



Received: August 29, 2021
Accepted: September 21, 2021
Available online: September 25, 2021

Баҳор Тўраева

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
доценти, филология фанлари бўйича
фалсафа доктори
Тошкент, Ўзбекистон

Bahor Turaeva

Associate Professor, Uzbekistan State World
Languages University
Doctor of Philosophy in Philological Sciences (PhD)
Tashkent, Uzbekistan
E-mail: bahorturaeva@gmail.com

ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК РОМАНЛАРИ САРЛАВҲАСИДА ХРОНОТОП ТАЛҚИНИ

CHRONOTOPE INTERPRETATION OF MODERN UZBEK NOVELS' TITLES

АННОТАЦИЯ

ANNOTATION

Мақолада Ўткир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси”, Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар”, Улугбек Ҳамдамнинг “Исён ва итоат” романларининг сарлавҳаси структур таҳлил қилинган. Бадиий асарга ном беришда ёзувчиларнинг ижодий мақсади, романлар сюжети ва композицияси унсурларининг сарлавҳа моҳиятини очишдаги ўрни изоҳланган. Ёзувчининг асарларига ном беришда аҳамиятли бўлган мезонлар таснифланган ҳамда хронотопни ифодалаши таҳлил қилинган. Тадқиқ жараёнида структур метод тамойиллари татбиқ этилиб, асарлар сарлавҳаси тасвирланган воқеа-ҳодисаларга мутаносиблиги, сарлавҳанинг мазмун-моҳиятини очишда ҳар бир сюжет чизиғи нечоғли йўналтирилгани аниқланган. Сарлавҳа асарнинг асосий мазмун-моҳиятини ифодалаши, матн структурасида сарлавҳанинг роли бекиёслиги, яъни матндан олдин, сарлавҳа ўқувчи қўрган биринчи семиотик белги эканлиги, шунингдек, сарлавҳанинг маъноси китобхон ва асар ўртасида воситачилик қилиш, ўқувчи учун ассоциатив нуктаи назарни белгилаши бадиий асар таҳлили асосида далилланган. Зеро, асар структураси, сюжет ва композициясини уюштирувчи, эпик матн майдонини шакллантирувчи, бадиий воқеликнинг тугал яхлитликда қабул қилинишини таъминловчи хронотопнинг ижодий теран ўзлаштирилиши асарнинг эстетик табиатини тушунишда ўзига хос ёндашувни тақозо этади. Хронотоп асарнинг барча

The article provides a structural analysis of the titles “Between Two Doors” by Utkir Khoshimov, “Eternal Gates” by Isajon Sultan and “Rebellion and Humility” by Ulugbek Hamdam. The author explains the writers’ creative goal in the title of a work of art, the role of plot elements and the composition of novels in revealing the essence of the title. Criteria that are important for naming the author’s works are classified, and chronotopic representation is analyzed. In the course of the research, the principles of the structural method were applied, the relevance of the title of works to events and the direction of each storyline in revealing the content of the title were described. The analysis of the works proves that each expresses the essence of the work, the role of the title in the structure of the text is unique, that is, before the text, the title is the first semiotic sign seen by the reader, as well as the meaning of the title mediates between the reader and the work. A creative comprehension of the chronotope as a means used for arranging the work composition, structure, and constructing an epic field of the text demands a special approach to understanding the aesthetic character of the work. Since the chronotope includes all the elements of a fictional work, it is impossible to present the plot, composition, conflict, system of characters, feelings and the mood of the characters without the description of the chronotope. The chronotope is accepted to be one of the poetic means to demonstrate the reality as well as to be

унсурларини қамраб олар экан, воқеалар силсиласи, қаҳрамонларнинг қайфият-кечинмаларини унинг тасвири сиз кўрсатиб бўлмайди. Хронотоп борлиқни акс эттиришнинг поэтик воситаларидан бири ҳамда ёзувчининг ижодий нияти ва асарнинг ғоявий концепциясидан келиб чиқиб, сюжетни юзага чиқаришда, композицион қурилишида, реал ҳаётнинг воқелик манзарасини инъикос этишда асос бўлган адабий ҳодиса сифатида баҳоланган. Хронотоп асарнинг тасвир объекти ва субъекти сифатида муаллиф яратган адабий олам манзарасини яхлит идрок қилиш имкониятини таъминлайди.

Тадқиқот объекти сифатида Ўткир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси”, Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар”, Улуғбек Ҳамдамнинг “Исён ва итоат” романлари танланган. Мақолада киёсий-типологик, структур ва комплекс таҳлил усулларида фойдаланилган.

Калит сўзлар: роман, сарлавҳа, хронотоп, мотив, эпиграф, аналепис, структур анализ, сюжет чизиги, композиция.

a literary process that is basic for the expression of the reality in the compositional construction and illustration of the plot relying on the writer's intention and the ideological conception of the literary work. The literary time enables to cognate the literary world picture created by the author in terms of the descriptive subject and object of the work.

Utkir Hoshimov's "Between Two Doors", Isajon Sultan's "Eternal Gates", and Ulugbek Hamdam's "Rebellion and Humility" were selected as the object of the research. The article uses comparative-typological, structural and complex methods of analysis.

Key words: novel, title, chronotope, motive, epigraph, analepsis, structural analysis, storyline, composition.

КИРИШ

Бадиий асар сарлавҳаси қисқа ва ихчам шаклда бўлиб, семиотик калит сифатида асар қайси жанрга мансублигидан қатъи назар унинг мазмун-моҳиятини ўзида умумлаштиради. У ёзувчининг китобхонга айтмоқчи бўлган биринчи сўзидир. Ёзувчи ижодий ниятига кўра асарга ном танланади. Матннинг энг муҳим таркибий қисми саналган сарлавҳа орқали китобхон асар дунёси билан танишади. Сарлавҳа китобхоннинг идрокини фаоллаштиради ва унинг эътиборини бадиий матнга қаратади. Бадиий асар номи матннинг бадиий дунёси билан боғлиқ тарзда муаллифнинг тасвирланган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги тасаввурини ифодалайди, унинг концепциясини яхлитлик сифатида амалга оширади. Асарнинг илк талқини сифатида матн қабул қилувчиси билан алоқа ўрнатади.

Зотан, сарлавҳа мисли уй ёки ҳовлига олиб кирадиган эшик ёки дарвоза. Бу ўхшатиш янги бўлмаса-да, масала моҳиятини аниқ ифодалайди. У нафақат эшик ёки дарвоза, балки маъновий йўл, кўрсаткич ҳам. Сарлавҳа, ном бадиий асарнинг ажралмас ва муҳим унсуридир [Милиев С., 2019; 172].

Бадиий асарга сарлавҳа танлашнинг ўзига хос мезонлари қуйидагилар:

- 1) бош қаҳрамоннинг номи – “Сабо ва Самандар” (Улуғбек Ҳамдам), “Озод” (Исажон Султон);
- 2) муайян касб номи – “Банкир” (Абдуқаюм Йўлдош);
- 3) бош қаҳрамоннинг бирор хусусияти – “Донишманд Сизиф” (Хуршид Дўстмуҳаммад), “Хотин подшоҳ” (Омон Мухтор), “Ўзи уйланмаган совчи” (Аҳмад Аъзам);

4) замон ва макон маъноси – “Икки эшик ораси” (Ўткир Ҳошимов), “Отамдан қолган далалар” (Тоғай Мурод), “Шўрқишлоқ” (Нурилла Аббосхон), “Бозор” (Хуршид Дўстмуҳаммад);

5) қаҳрамон руҳий олами – “Боқий дарбадар” (Исажон Султон), “Исён ва итоат”, “Мувозанат” (Улуғбек Ҳамдам); “Машаққатлар гирдобӣ” (Зулфия Куролбой қизи);

6) тарихий муҳим давр ва воқеалар – “Улуғ салтанат” (Муҳаммад Али) [Маслова В. А., 2019; 147].

Мақолада хронотопни англатадиган сарлавҳалар тадқиқ этилади. Тадқиқот объекти сифатида Ўткир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси”, Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар”, Улуғбек Ҳамдамнинг “Исён ва итоат” романлари танланган.

АСОСИЙ ҚИСМ

1. *Бадий маконни ифодаловчи сарлавҳалар* – “Икки эшик ораси” (Ўткир Ҳошимов).

Ўткир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” романи сарлавҳасида икки хил моҳият яширинган:

1) инсоннинг туғилишидан вафотига қадар муддатда тириклик эшигидан кириб, абадиёт эшиги сари йўл олиши;

2) инсонлар олдида яхшилик ва ёмонлик эшиклари бўлиб, қай бирдан кириш уларнинг ўзига ҳавола этилиши.

“Икки эшик ораси” романида воқеа Тошкент атрофидаги қишлоқлардан бирида, асосан иккинчи жаҳон уруши йилларида бўлиб ўтади. Шу билан бирга, адиб асарда ўрни-ўрнида қишлоқ кишиларининг урушдан олдинги ва урушдан кейинги ҳаётидан ҳам ҳаяжонли лавҳалар чизади. Адиб асар сюжети ва композициясини ишлашда мумтоз адабиётда (масалан, Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достонида) мавжуд бўлган қолиплаш санъатидан ижодий фойдаланиб, янгилик яратган [Мирзаев С., 2011; 103-108]. Сайдулла Мирзаевнинг фикрларига таяниб, айтиш мумкинки, Музаффар ва Мунаввар сюжет чизиги қолипловчи вазифасини бажарган.

Романда воқеалар ҳалқали замон шаклида тасвирланиб, *ибтидою интиҳо нуқталарининг* туташ ҳалқасидан иборат. Қирқ етти бобдан ташқари роман муқаддима ёки энг аввалги боб – Қурилиш-монтаж бригадасининг бошлиғи Музаффар Шомуродов ҳикояси билан бошланиб, хотима ёки энг охириги боб Қурилиш-монтаж бригадасининг бошлиғи Музаффар Шомуродов ҳикояси билан якун топади. Муқаддима ёки энг аввалги боб Тошкентдан Қўқонга онасининг дафн маросими учун йўлга чиқиб, автобусга ўтирган Музаффар асар интиҳосида – хотима ёки энг охириги бобда автобусдан тушишга юраги бетламайди: “...Автобусдан тушишга оғим тортмас, Тошкентга бригадамга қайтгим, Икром аканинг “тудавой-судавой” деб шангиллаб гапиришини эшитгим келарди” (534) фикри билан ниҳояланади. Адибнинг маҳорати шундаки, бош қаҳрамон автобусга чиқиб, манзилга етгач, ундан тушишгача бўлган муддатга сюжет воқеаларини сиғдира олган. Бу Чингиз Айтматов услубига муштарак, яъни “Асрни қаритган

кун” романи Эдигей Бўрон биродари Казангапни Она Байит қабристонига дафн этиш учун йўлга чиқиши ва шу муддат оралиғида унинг ўй-кечинмаларида тикланган хотиралари асосига қурилган. Музаффар ҳам тукқан онасининг (ёшлигидан Робияни она деб катта бўлган – Б.Т.) дафн маросимига йўл олади ва бир кунлик масофани босиб ўтишда аччиқ ва изтиробли хотиралари билан ҳамроҳ бўлади. Ўткир Ҳошимов Чингиз Айтматов услубидан фарқли равишда туркум сюжетни шакллантиради, воқеа ичида воқеа яратади. Асар ёши, дунёқараши, жинси турли бўлган тўққиз нафар қаҳрамон ҳикоясини ўзида умумлаштирган, шунча миқдордаги сюжет чизиқларининг туташуви ва параллелигидан ташкил топган. Хронотопнинг рамзий ифодаси баъзи қаҳрамонларнинг портретида, воқеалар ривожини мобайнида “умр поғонасининг турли босқичларидан туриб, саргузаштларини баён этиши”да [Норматов У., 2011; 56-64] намоён бўлади. Музаффар Шомуродов ҳикояси ўн олти ўринда берилган, бош қаҳрамон романдаги бошқа персонажларнинг ҳикоясини тизимлаштириш вазифасини бажаради. Музаффар ёшлигидан Қурилиш-монтаж бригадасининг бошлиғи бўлгунига қадар жараён фасл сарлавҳаларида акс этган: *уч ўринда кичкинтой Музаффар ҳикояси, беш ўринда ўқувчи Музаффар ҳикояси, саккиз ўринда талаба Музаффар ҳикояси.*

Роман етти қисмдан иборат, ҳар бир қисм боблардан ташкил топган. Боблар ҳам сарлавҳаланган. Сюжет чизиқларини қуйидаги тўққиз нафар персонажнинг ҳикоялари ташкил этади:

- 1) ўн етти ўринда Музаффар Шомуродов ҳикояси;
- 2) саккиз ўринда Робия ҳикояси;
- 3) олти ўринда Қора амма ҳикояси;
- 4) олти ўринда Раъно ҳикояси;
- 5) беш ўринда Умар закунчи ҳикояси;
- 6) уч ўринда Фармацевтика институтининг учинчи босқич талабаси Мунаввар Алиева ҳикояси;
- 7) икки ўринда Шомурод ҳикояси;
- 8) бир ўринда номаълум аскар Кимсан Ҳусанов ҳикояси,
- 9) бир ўринда шаҳар ижрокўмининг раиси Олимжон Комилов ҳикояси.

Ўн иккинчи боб “Меҳр билан қаҳр – ораси бир қадам” тарзида номланиб, оддий аскар Кимсан Ҳусановнинг Робияга ёзмоқчи бўлган, аммо ёза олмаган хати келтирилган. Қолган қирқ олти боб муайян қаҳрамоннинг ҳикояси тарзида номланган.

1-жадвал.

“Икки эшик ораси” романидаги қисм ва бобларнинг сарлавҳалари		
Қисм ва боблар	Персонажларнинг ҳикоялари	Фасл номлари
Муқаддима ёки энг аввалги боб	Қурилиш-монтаж бригадасининг бошлиғи Музаффар Шомуродов ҳикояси	Совуқ хабар

Биринчи қисм <i>Биринчи боб</i>	Кичкинтой Музаффар ҳикояси	1. Мен, дадам, алвасти кўприк. 2. «Қора аммам»нинг мушуги. 3. Ёмон чумчук. 4. Тошкентдаги томоша. 5. Уруш.
<i>Иккинчи боб</i>	«Қора амма» ҳикояси	Бечора чора истар
Иккинчи қисм <i>Учинчи боб</i>	Робия ҳикояси	1. Дадамни йўқотиб қўйдим. 2. Янги раис. 3. Рашид абзининг мўрчаси.
<i>Учинчи қисм тўртинчи боб</i>	Кичкинтой Музаффар ҳикояси	Тўй
<i>Бешинчи боб</i>	Робия ҳикояси	1. Уйда келин йиғлайди, ўт бўлдим деб, ўр-ўр... 2. Суймаганга суйкалма! 3. «Яхши кўриш – айб эмас!» 4. «Ё маниям олиб кетинг, ё ўлдилинг»
<i>Олтинчи боб</i>	«Қора амма» ҳикояси	Юлдузи юлдузига тўғри кепти...
<i>Еттинчи боб</i>	Робия ҳикояси	Оппоқ тонг
<i>Саккизинчи боб</i>	«Қора амма» ҳикояси	Қизимга она, ўғлимга қайнонаман.
<i>Тўққизинчи боб</i>	Робия ҳикояси	«Шумқадам» абзи
Тўртинчи қисм <i>Ўнинчи боб</i>	Кичкинтой Музаффар ҳикояси	1. Суюнчи беринг! Ойим ўғил туғдилар! 2. «Паҳлавон»нинг бешиги.
<i>Ўн биринчи боб</i>	«Қора амма» ҳикояси	Энг бегуноҳ одам
<i>Ўн иккинчи боб</i>	Меҳр билан қаҳр – ораси бир қадам	Оддий асқар Кимсан Ҳусановнинг Робияга ёзмокчи бўлган, аммо ёза олмаган хати.
<i>Ўн учинчи боб</i>	«Қора амма» ҳикояси	Яхши келса – қут, ёмон келса – ют.
<i>Ўн тўртинчи боб</i>	Робия ҳикояси	От ўрнини той босар.
<i>Ўн бешинчи боб</i>	Раъно ҳикояси	Оқиш бурчаги
<i>Ўн олтинчи боб</i>	Умар закунчи ҳикояси	Тагингда отинг борми, узанги узилгунча суриб қол!
Бешинчи қисм <i>Ўн еттинчи боб</i>	Биринчи синф ўқувчиси Музаффар Шомуродов ҳикояси	Абдувалидан зўр чикдим!
<i>Ўн саккизинчи боб</i>	Робия ҳикояси	Алвасти
<i>Ўн тўққизинчи боб</i>	Умар закунчи ҳикояси	Жар ёқасидаги гул
<i>Йигирманчи боб</i>	«Қора амма» ҳикояси	1. Дума чол, Дума чол... 2. Ёмоннинг кучи – япалоққа...

Йигирма биринчи боб	Робия ҳикояси	Ориф оқсоқолнинг қарори
Олтинчи қисм Йигирма иккинчи боб	Биринчи синф ўқувчиси Музаффар Шомуродов ҳикояси	Бозордаги ўғри
Йигирма учинчи боб	Робия ҳикояси	1. Олимжоннинг «гуноҳи». 2. «Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам жавобсиз қолмайди». 3. Устун йиқилса, устун зил кетади.
Йигирма тўртинчи боб	Тўртинчи синф ўқувчиси Музаффар Шомуродов ҳикояси	Ғалати хотин
Йигирма бешинчи боб	Раъно ҳикояси	Энг бахтли одам – энг бахтсиз одам.
Йигирма олтинчи боб	Шомурод ака ҳикояси	Хиёнат
Йигирма еттинчи боб	Раъно ҳикояси	Ал-қасосу минал ҳақ!
Йигирма саккизинчи боб	Умар закунчи ҳикояси	Замон юки
Йигирма тўққизинчи боб	Еттинчи синф ўқувчиси Музаффар Шомуродов ҳикояси	Қўқонга кетаман!
Ўттизинчи боб	Раъно ҳикояси	Ширин ёлғондан аччиқ ҳақиқат афзал.
Ўттиз биринчи боб	Ўнинчи синф ўқувчиси Музаффар Шомуродов ҳикояси	«Минавар, Минавар – чўнтагингда нима бор?»
Еттинчи қисм Ўттиз иккинчи боб	Тошкент давлат фармацевтика институтининг биринчи босқич талабаси Музаффар Шомуродов ҳикояси	Бегона
Ўттиз учинчи боб	Умар закунчи ҳикояси	Қизим маладес: ўзимга тортди!
Ўттиз тўртинчи боб	Раъно ҳикояси	Эсиз умр
Ўттиз бешинчи боб	Иккинчи босқич талабаси Музаффар Шомуродов ҳикояси	Аммам Кимсан акамни таниди.
Ўттиз олтинчи боб	Номаълум аскар Кимсан Хусанов ҳикояси	Одамлар, хушёр бўлинг!
Ўттиз еттинчи боб	Учинчи босқич талабаси Музаффар Шомуродов ҳикояси	Мухаббатнинг ширин шароби

Ўттиз саккизинчи боб	Шаҳар ижроқўмининг раиси Олимжон Комилов ҳикояси	Қон тўккан «қаҳрамон»
Ўттиз тўққизинчи боб	Умар закунчи ҳикояси	Ҳақиқат осмонда, калити ҳаммомда!
Қирқинчи боб	Фармацевтика институтининг учинчи босқич талабаси Мунаввар Алиева ҳикояси	Менга совчи юборинг.
Қирқ биринчи боб	Учинчи босқич талабаси Музаффар Шомуродов ҳикояси	Холдастор олма
Қирқ иккинчи боб	Раъно ҳикояси	Туш
Қирқ учинчи боб	Учинчи босқич талабаси Мунаввар Алиева ҳикояси	Ҳақорат
Қирқ тўртинчи боб	Учинчи босқич талабаси Музаффар Шомуродов ҳикояси	Икки эшик ораси
Қирқ бешинчи боб	Учинчи босқич талабаси Мунаввар Алиева ҳикояси	Даҳшат
Қирқ олтинчи боб	Шомурод ака ҳикояси	Айбсиз айбдор
Қирқ еттинчи боб	Музаффар Шомуродов ҳикояси	Зилзила
Хотима ёки энг охири боб	Курилиш монтаж бригадасининг бошлиғи Музаффар Шомуродов ҳикояси	Кулоқ солинг: қуёш сўзлаяпти!

Демак, асарда ҳар бир боб муайян қаҳрамоннинг ҳикояси тарзида берилиб, ўз навбатида, булар ҳам алоҳида кичик сарлавҳалардан иборат. Романнинг номи ва қирқ тўртинчи боб – учинчи босқич талабаси Музаффар Шомуродов ҳикояси “Икки эшик ораси” тарзида сарлавҳаланган. Сарлавҳа моҳиятини Ориф оқсоқол тилидан муаллиф фалсафий йўсинда баҳолайди: *Бир хил одамлар бор: у эшикдан кириб, бу эшикдан чиқиб кетаётганда қўлидан келганча савобли иш қилади. Ҳаёт деган иморатга ақалли битта гишт қўйиб кетади. Яна бир хиллари бор: ўша иморатдан ақалли битта гиштни ўғирлаб кетгиси келади. Ўғирлабқу, ҳеч қайёққа боролмайди, нариги эшик олдида борганда барибир ташлаб кетади. Икки орада иморатни бузгани қолади...* [Ҳошимов Ў., 2016; 752].

Романда икки эшик бирикмаси қуйидагича маъноларда қўлланилган:

1. Абзи тақиллатган икки эшикнинг биттасида байрам бўлса, биттасида аза очилади. Одамлар уни орқаваротдан «шумқадам» дейди (185). Олтинчи боб: Қора амма ҳикояси.

2. Минг йил яшаган бир саҳоба «Эсиз-эсиз, у эшикдан кирдим у бу эшик-

дан чиқиб кетяпман» деган экан [Ҳошимов Ў., 2016; 716]. Қирқ тўртинчи боб. Учинчи боскич талабаси Музаффар Шомуродов ҳикояси: Икки эшик ораси.

Асарнинг лейтмотивини ўткинчи дунёда қандай яшаш, яхшилик ва ёмонлик эшикларининг қай биридан кириб, қайсидан чиқиш инсоннинг ўзига ҳавола қилинганлик ғояси ташкил этади. Асар сюжетида ҳар бир қаҳрамон олдида ана шундай имтиҳон мавжуд. Ориф оксоқол Садриддин Самадовнинг иши туфайли раисликдан кетганда ҳам, бир томондан уруш, бир томондан Умар закунчи одамлар бошига кулфат ёғдирганда ҳам, Ҳусан Дума билан биргаликда халқ дардини ўз дарди деб билишди. Ёзувчи Қора амма, Робия, Башор хола тимсолида меҳнаткаш ўзбек аёли образини яратди. Ўғли Кимсанга аталган Робияни укаси Шомуродга турмушга беришга рози бўлган Қора амманинг ҳолати; Кимсаннинг урушдан қайтишини интиқ кутган, унинг ҳаёли билан яшаган; ўзини қизим деб юрган киши – Шомуродга иккинчи хотин бўлган Робиянинг қалб туғёнлари роман микрохронотопини таъминлайди. Умар закунчи ва Раъно образида қийин онларда ўзлигини сақлай олмаган, нафсига кул кимсаларнинг хусусиятларини умумлаштиради. Урушнинг синовли ҳар бир дақиқаси асар қаҳрамонларини тоблайди, иродасини синайди. Бу микрохронотопда контраст ҳолатни юзага келтиради: яхшилик ёки ёмонлик эшиги олдидаги қаҳрамон қалбида турли эврилишлар юзага келади. Эзгулик оstonасидаги қаҳрамонлар чидам, бардош, сабот туфайли ҳаёт қийинчиликларида бир-бирларига елкама-елка бўлишади. Иккинчи эшик олдидаги кимсалар эса ўзлари танлаган йўлнинг қурбонига айланишади.

1. *Микрохронотоп – қаҳрамон руҳий оламини ифодалайдиган сарлавҳалар* – “Боқий дарбадар” (Исажон Султон), “Исён ва итоат” (Улуғбек Ҳамдам).

Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” романи сарлавҳаси фалсафий маъно касб этган, рамзлар, мураккаб тамсиллар матн ости моҳиятни англашга ундайди. Дуоибад, мактуб, ички монолог, қаҳрамон микрохронотопининг макро ва мегахронотоп билан кесишуви каби ҳолатлар асар драматизмининг таъминлайди. Асар композицияси анъанавий мезонларга бўйсунмайди. Яхлит воқеалар тизими мавжуд эмас. Замонлар ва маконлар алмашинуви сингари воқеалар силсиласи ҳам. Асар уч қисмдан иборат: биринчи қисм – Ибтидода ўтмишда содир бўлган воқеалар, яъни муборак Зотни ўлим лашкари томонидан азобланиши; етти ёшда лаънатга учраши Ҳазрат томонидан башорат қилинган этикдўз ҳолдан тойиб, деворга суянган Зотни таҳқирлаши ва “*Тургин ва равона бўлгин! «Мен-ку имилламайман, аммо сен маҳшар куни келишини узоқ кутасан...» «...Энди сен то қиёматга қадар ер юзида бетиним дайдишга маҳкум этилдинг»* [Исажон С., 2011; 5] қарғишига дучор бўлиши; иккинчи қисмда халқаро анжуман, профессор Зиёнинг мушоҳадлари, ўғлининг мактуби, милодий 1312 йили Луврда «Мангу дарбадарнинг қайтиши» пьесаси премьерасида ҳақиқий дарбадарликка маҳкум қилинган этикдўзнинг иштироки қалб тубидаги аянчли аламларини тўкиб-солиши; учинчи қисмда мутафаккирнинг видо мактуби, бўрон тасвири келтирилган. Учала қисмдаги йигирма фаслнинг ҳар бири сарлавҳаланган. *Марказий Осиё, Америка, Лувр, Бобо тошбақа мақбараси* сингари маконни ифодаловчи жой номлари ҳамда *Ҳижратнинг 190 йили, Милодий 1312 йил, Бўрондан ярим*

соат аввал, Бўрондан ўн беи дақиқа аввал, Бўрондан ўн дақиқа аввал каби замонни ифодаловчи бирикмалар фасл номлари сифатида қўлланилган.

Асарда лаънатланган этикдўз, лўлилар, “ҳалокатли барча таъсирларга чидамли ва жароҳатланган аъзосини тезда тузата оладиган, боз устига, ақду тафаккур жиҳатидан сизу биздан бир неча баравар устун” [Исажон С., 2011; 19] геном дарбадарлиги алоҳида сюжет чизикларида акс этади. Ёзувчи дарбадарлар сирасига “ғоялар ва фикрлар орасида у қирғоқдан бу қирғоққа сурилиб яшаётганлар... ўз қўнимини тополмасдан, бор ҳаёти ҳиссий ва фикрий дарбадарликда ўтаётганлар... севгию ишқ деб дарбадар бўлганлар... истеъдодини йўлга сололмаганлар... ва ҳатто маълум бир мақсадни ўз олдига қўйиб, қатъияту сабот билан олға интиляётган ва шу ҳолида ҳам дарбадарликка маҳкумлар... ёшлар.... қариялар... аёллар.... дарбадарлик дарслари мияларига қўйилляётган беозору безубор болакайлар, жамалаксоч қизчалар... жаннат илинжсида дарбадарликни касб қилиб олган зоҳидлар... тарих бўйлаб сочилиб кетган халқлару элатлар...” [Исажон С., 2011; 29]ни киритади. Китобхонни чуқур мушоҳадага чорлайдиган ҳолат шуки, муборак кишига қўл кўтарган осийга – Хизр алайҳиссаломга – Азозилга қиёматга қадар тириклик берилгани, фақатгина Хизр алайҳиссалом “Тангри таоло ирода этган ботиний юмушларни бажариши” [Исажон С., 2011; 29], қолган иккиси эса дарбадарликка маҳкумлигидир. Муборак зотдан деворини қизганган этикдўз ўзини Азозилдан малъун эмаслигини астролог Гвидо Бонаттининг «Мангу дарбадарнинг қайтиши» пьесасидаги сахнада исботламоқчи бўлади ва Парваригордан “Айшу сафо ичида, май хилватларида” бўлган одамлардан паноҳ беришини сўрайди.

Инсоният тарихи – дарбадарлик тарихи ҳамдир [Исажон С., 2011; 30], дея адиб эътироф этади. Дарбадарлик мотиви турли сюжет чизикларида турлича талқин қилинади. Этикдўз – лўли чол; этикдўз – авлиё; этикдўз – астролог Гвидо Бонатти; профессор Зиё – ўғли; профессор Зиё – DNA халқларида австралия калтакесаги ва Осиё чўлларида гоҳ-гоҳ пайдо бўлиб турувчи улкан тошбақа генлари мавжуд [Исажон С., 2011; 19] геном; баланд бўйли, ёш ва забардаст, ялангоёқ йигит (геном) – «Фиръавн» ва «Махес» ҳарбий учоқлари сюжет чизикларида анъанавий тизимлилиқ мавжуд эмас, аммо уларни дарбадарлик мотиви бирлаштиради.

Ҳазрат дарбадарликка маҳкум қилинган боланинг қисматини башорат қилади: – *Сен-ку авомнинг кўзида зоҳиран бир дуо туфайли шундай қисматга маҳкум этиласан. Аммо умринг мобайнида ўз ҳаёти давомида илоҳий муждани рад этиб, дарбадарликни бўйинларига олган саноқсиз кишилар оломонини кўрасан. Уларнинг ҳаёти сеникидан заррача ҳам ўзга бўлмайди, бироқ сендан фарқ қилиб, оғир ва азобли ўлим топишади. Лекин тарихда сенинг номинг қолади, бошқалар эса айнан шу қисмат билан яшашса-да, ер юзидан беному нишон супурилиб кетишади...* [Исажон С., 2011; 19]. Лўли чол эса этикдўз туғилмасидан икки минг йил аввал муайян мақсадни кўзлаб сафарга чиқишгани, аммо даврлар ўтиб, сафар моҳияти йўқолиб, ўзларини дарбадарликка маҳкум бўлишганини афсус-надомат билан сўзлайди: “*Сафар манзилини биладиганлар ўша маҳалларда*

дунёдан ўтиб кетдилар. Тахмин қила оладиганлар ҳам алақачон тупроққа айланганлар, балки уларнинг зарралари ҳозир шамолга қўшилиб учиб юрган бўлса не ажаб... Биз учун ҳеч ерда қўним йўқ, дунёнинг қаерига борсак чодир тикиб, Аллоҳ хоҳлаганча вақт турамиз, кейин яна дунё кезишга равона бўламиз. Болачақаларимиз ҳам дарбадарликда туғилдилар ва шу қисмат билан ўладилар” [Исажон С., 2011; 9].

Этиқдўзни дарбадарлик ва абадият шаробидан бебаҳралик надомати қийнайди, лўли чолга қалб эврилишларини ошкор қилади: – “Одам боласи борки, барҳаётликни орзу қилади. – Мен эса абадият билан жазоландим. Мен учун на ватан, на миллат, на элат, на тил қолди. Дунёни кезаркан, бутун бошли миллатларнинг йўқ бўлиб кетганини, ўрнига бошқаларининг келганини кўрдим... Аслида, сиз мендан кўра хушбахтроқсиз. Чунки, қисматингизга дарбадарлик битилган бўлса ҳам, бир неча йилдан кейин Унинг раҳмати томонга равона бўла оласиз. Менга эса у йўллар беркилган, қопқалар ёпилган, тавбамдан ва пушаймонимдан наф йўқ” [Исажон С., 2011; 9]. Ёзувчи дарбадарликка маҳкум этиқдўз учун ватан, миллат, элат ва тилнинг моҳиятини йўқолганини унинг тилидан таъкидлаб, нимага ишора қилмоқда? Жавобни ўғли профессор Зиёга ёзган мактубдан излаймиз: “Мен ҳозир дунёнинг ҳар бир мамлакатада, ҳар бир гўшасида, ҳалол ва имонли кишилар билан бир қаторда, ана шундай дарбадар инсонларни ҳам кўрмоқдаман... Шундай дарбадарликка мубатало бўлмасликнинг йўлларини изламоқдаман. Кун келиб, руҳим самоларга қараб йўл олганида, мукаммалликка эришган зотлар билан бир қаторда бўлишни орзу қиламан” [Исажон С., 2011; 27]. Ҳар бир қахрамон дунёни ўзича англайди, дарбадарлик борасида чуқур мушоҳада юритади. Профессор Зиё, унинг ўғли ва яратган геномининг фикр-мулоҳазаларидаги муштараклик шундаки, ҳар бири ўз ақлий мақоми даражасида ўзлигини англашга, моҳиятга етишга интилади.

А.Мелибоев дарбадарликни шундай изоҳлайди: “Инсон бешикдан қабргача илм излаши, билиши, англаши, яхшини ёмондан, окни қорадан, ҳақиқатни ёлғондан фарқлаши ва, энг муҳими, илмига, фаҳм-фаросатига асосланиб, Ўзини топиши лозим. Бунингсиз унинг бу дунёда туришидан маъно йўқ. Аммо илмий салоҳияти ва шу салоҳиятдан ғурурланиш асносида пайдо бўлган мақсад-муддаоси имони, виждони, бандалиги, бу ёруғ оламга шунчаки меҳмонлиги билан тўқнаш келиб қолмасин, ҳаёт карвонидан олислаб кетиб, адашиб-янглишиб, дайди-дарбадар ҳолига тушмасин. Азалият қонунларини уларнинг яратувчисидан бошқа ҳеч ким ва ҳеч вақт таҳрир қила олмаслигини вақтида тушуниб етсин” [Мелибоев А., 2017]. Олимнинг роман меҳварини, лейтмотивини теран таҳлилига асосланиб, айтиш жоизки, асар интиҳосидаги бўроннинг жамики тирикликни ер юзидан супуриб, йўқлик жарига қулатишига сабаб инсонларнинг ўзларига маълум қилинмаган синоатни билишга ортиқча уринишларида ва шу йўлда улоқиб, адашиб, гуноҳ саҳросида дарбадар кезишларида эди. “Қуръони карим”нинг Ал-Исро сураси ўн бешинчи жузъ, 85-оятда (Эй, Муҳаммад,) Сиздан руҳ ҳақида сўрайдилар. Айтинг “Руҳ фақат Раббимнинг ишидандир”. Сизларга эса оз илм берилгандир [Қуръони карим маънолари

таржимаси, 2020], дея марҳамат қилинади. Адабиётшунос Д.Қуронов муаммога қуйидагича ёндашади: *“Ёзувчи муаммонинг илдизига назар солади ва кўрадики, Яратганидан узоқлашиши баробари инсон ҳаётининг мазмуни йўқолиб бораётганини теранроқ ҳис қилган, бу ҳис муттасил кучайиб борган. Ва бу ниҳоясиз жараён. Шунинг учун ҳам романда яралмиш – инсон «тангрининг иродасига исён ўлароқ» яратган энг олий мавжудот – клон ҳам оламнинг нечоғли мукамал яратилганини идрок этгач, «мазкур силсила аро ўз ўрнини топишига ҳаракат қилади» [Қуронов Д., 2010].*

Раҳмон Қўчқор олам ва одам муносабатларидаги бу каби дарбадарликни унинг ўтмиши, ҳозир ва келажагига дахлдорлигини қуюнчаклик билан таъкидлайди: *“Мутолааси фикру ўйимизга оғир тош бойлаб, худди шундай оғир саволлар гирдобига ташилаган “Боқий дарбадар” романи, айтилганидек, диққатимизни бирор ҳаётий воқеанинг, у ёхуд бу қаҳрамон тақдирининг эпик бадий талқинига эмас, балки қисмати қил устига келиб қолган одамзод наслининг кечаги ибратли, бугунги бошбошдоқ ва эртанги билиб бўлмас тақдирига шахсан дахлдорлик масаласига қаратади” [Раҳмон Қ., 2012].* Адабий танқидчи Раҳимжон Раҳмат асар моҳиятини қуйидагича изоҳлайди: *“Исажон Султоннинг «Боқий дарбадар» асарида илк бор кейинги давр ўзбек адабиётида Оллоҳнинг қиёматини жонли ҳис этиш тамойили яққол сезилиб туради. Қиёматни жонли ҳис этиш – инсон руҳидаги энг оғир ва фавқулудда ҳолат. Биргина мисол. Бир авлиёнинг ўсмир ўғли Қуръондаги битта оят мазмунини чуқур ҳис этиб, ундаги маъно ҳайбатидан юраги ларзага тушади ва бир кечада сочлари оқариб ўлиб қолади... «Боқий дарбадар»ни хатодан бошланган инсон ҳаётининг ибтидо ва интиҳосининг мўъжазгина бадий тарихи десак ҳам маъқул бўларди” [Раҳимжон Р., 2011; 278].*

Асарда қаҳрамонлар ўз манзилларини йўқотган, мақсад-муддаоларини унутган ҳолда дарбадар ҳаёт кечиришлари рамз ва тамсиллар асосида тасвирланган. Лаънатланган этикдўзнинг абадий амали *“ҳеч нарса”*, яъни тирикликдан моҳият йўқ. Лўлилар ҳам шундай турмуш тарзига маҳкум, умрларини сафарга бағишлашади, аммо манзил аниқ эмас. Профессор Зиёнинг кашфиётичи? Кўп йиллик илмий фаолиятининг энг етук маҳсули ҳам йўқликка маҳкум этилиши шарт, чунки у инсониятга хавф туғдириши мумкин. Бесамар илм ҳам дарбадарликнинг бир нишонаси.

Зиёнинг ўғли ҳамда ақлий ва жисмоний бекаму кўст геном томонидан битилган мактубларда инсониятнинг ўтмиши, ҳозир ва келажагига назар солинади. Ҳатто воқелик хронотоп чегараларига сиғмайди. Мукамал оламда геном ўзининг яратилишига эҳтиёж нима эканлигини англамоқ истайди: *“Бу маконни, аввало Уни излаб топиш ва бутун олам яратилишининг сабабларини Ўзидан сўраш учун тарк этмоқдаман. Бу маконда бўлишим Унинг мени яратишдан кўзлаган иродасига мос келгани тақдирда, албатта қайтаман. Мос келмагани тақдирда эса, мос келадиган макон ва замон излайман...” [Исажон С., 2011; 20].*

Профессор Зиёнинг ўғли эса Яратганнинг мўъжизалари олдида лолу ҳайрон, *“инсоният тарихининг зулматларида нур таратиб турган улуг мута-*

факирлар ҳаётга келиб яшаб ўтган тупроқда олам юзини кўришини ирода этганига иймон келтиради” [Исажон С., 2011; 26]. Мактубда кун келиб, яшаб турган дунёмиз бошқача тус олишига, ҳақиқат зоҳирдан ботинга алмашилишига ишора бор: “Бир кун ҳамма нарса туб-тубидан ўзгаради. Ер ер бўлмай қолади, осмон ҳам, тоғу уммонлар ҳам, набототу ҳайвонот ҳам, қуёш ҳам бўлмайди. Барча маданиятлар, тамаддунлар, инсон боласи эришган барча ютуқлар хас-хашакка айланиб йўқ бўлиб кетади. Ҳақиқатлар ва сирлар пардалари очилади, кўклардан фаришталар тушиб келадилар. У кунда биз бошқача кўринишида, бошқача бир шаклда бўламиз” [Исажон С., 2011; 26]. Кўринадики, асар қаҳрамонлари ботиний хронотопни (тириклик оламида мавжуд бўлмаган – Т.Б.) назарда тутяптилар.

Воқеалар занжири ўтмиш ва бугун, ҳаёлот ва ҳаққонийлик, мавҳумот ва борлик оралиғида ғайритабиий бир уйғунлик билан боғланиб кетади. Дарбадарликка маҳкум бўлган одам ҳақидаги ривоят, генетикларнинг халқаро анжумани, Қизил денгиз соҳилларидаги изланишлар, Гоби саҳроси, Ҳарбий самолётлар парвози, Бобо Тошбақа мақбараси ривояти, афсонавий Шаҳри Ҳайбар синоати кабилар асар сюжетидаги бир қарашда воқеликнинг бир-биридан узоқ кўринадиган қатламлари бўлиб, улар ёзувчининг илм-фан ютуқлари, техник-технологик имкониятлар, миллий қадриятлар масаласи, дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган умумбашарий муаммолар, ижтимоий зиддиятлар, инсон қалбининг маънавий эврилишлари билан боғлиқ ғоявий мақсадига кўра бадиий яхлитлик касб этади. Воқеалар занжирини ягона марказга бирлаштирувчи халқа – боқийликка маҳкум одам муаммосидир [Давронова Ш., 2019; 26].

Демак, этикдўз, лўлилар, профессор Зиё, геном билан боғлиқ воқеалар турли замон ва маконда содир бўлгани учун ўтмиш, бугун ва келажак хронотоплари сюжет чизиқларининг ўзаро кесишувида бирлашади.

2-жадвал.

“Боқий дарбадар” романидаги фасл номи ва ҳар бир фаслнинг биринчи жумласида хронотон ифодаси	
Фасл номи	Фасл бошидаги биринчи жумла
Биринчи қисм Ибтидо	...Жазиранинг топ-тоза мовий осмонида бир парча оқ булут сузмोकда эди [1].
Ҳазратнинг башорати	Ҳазратни у бундан ўттиз уч йил аввал учратган эди [2].
Дуойибад	Қуёш найза бўйи кўтарилди [4].
Бадавийлар	Тарихда араб саҳроларида самум олдидан кезиб юрган бир одамни кўрганлари ҳақида гап-сўзлар бор [5].
Саҳродаги қарвон	Юксакларда оғир ва қат-қат булутларни ҳайдаб келиб, тоғларнинг юксак қоялари олдидан қолдирган шамоллар ҳозир Осиё саҳролари узра эсмоқда эди [7].
Тиёнишон бағридаги ғорда истиқомат қилувчи авлиё	Айтишларича, бу авлиё Тиёнишон этагида бир юзу йигирма йилдан буён ибодат қилар эди [10].

Иккинчи қисм	<i>Уч соатдан сўнг, Атлантика уммони узра мисли қўрилмаган кудрат билан бўрон қўзғалиши олдидан дунёнинг тўрт бурчидаги тўртта маконда ана шу тарих ва ана шу воқеалар рўй берган эди [12].</i>
Boeng 787 Dreamliner. Йўналиш: <i>Америка – Марказий Осиё</i>	Замонавий кудратли ҳаво лайнери бир маромда гувиллар, салондаги уч юз чоғли йўловчининг кўпи мудрар эди [12].
Халқаро анжуман	<i>Шимолӣ Америкадаги улкан аэрокосмик марказлардан бирида, сўлим дарё ёқасидаги уч қаватли муҳташам саройда келажак инсонини яратиш борасидаги тадқиқотларнинг навбатдаги якуни ўқиб эшиттирилмоқда эди [15].</i>
Мурожаат	«...Мен бу мурожаатимни оламдаги барча тафаккур килувчи жонзотларга қарата йўлламоқдаман [19].
<i>Осиё. F-22 «Raptor»</i> ҳарбий учоқлари	Айни шу маҳалда <i>Гоби узра</i> занжи даҳонингу анжуман аҳлининг етти ухлаб тушига кирмаган воқеалар содир бўлмоқдайди [21].
<i>Boeng 787 Dreamliner.</i> Профессор Зиё.	Лекин бу воқеалардан ҳали ҳеч кимнинг хабари йўқ... профессор Зиёнинг қулоғи остида ҳали-ҳануз мурожаатни ўқиб эшиттирган занжи олимнинг сокин ва бир оз тушқун овози жаранглаб тургандек эди [22].
Авлод	«Ассалому алайкум!» [24].
Тимсоллар чархпалаги	Профессор Зиё компьютерни ўчириб, узоқ ўйга толди [28].
<i>Бобо тошбақа мақбараси. Ҳижратнинг 190-йили.</i>	...Узорида Аллоҳ калимаси бўлган тошбақанинг пайдо бўлиши хабари бир мўъжиза янглиғ яшин тезлигида тарқалди [30].
Шаҳри Ҳайбар	Поёнсиз сариқ кумлар аро <i>шамол</i> тентирайди [32].
<i>«Менинг Шаҳри Ҳайбарим»</i> китобининг сўнгги бобидан парча	«...Ҳа, бу воқеа менинг сокин ҳаётимни остин-устин қилиб юборди, барча билганларим ва тасаввурларим тамомила ўзгариб кетди, ҳаётимга тимсоллар ва ишоратларнинг гирдоблари бўрон янглиғ уфурилиб кириб келди... чунки мен азалдан орзу қилган нарсаларимнинг пуч эканини ва аҳамият бермаганим нарсаларнинг ғоятда қадрли эканини айнан шу – <i>абодий саодат шаҳрига</i> кирганимда англаб етдим [35].
<i>Лувр. Милодий 1312-йил.</i> «Мангу дарбадарнинг қайтиши» пьесаси премьераси	...Қуёш аллақачон ботиб бўлган, сўнгги шафақлари кўздан йўқолмоқдайди [36].
Учинчи қисм Boeng Dreamliner. <i>Бўрондан ярим соат аввал</i>	<i>Бўрон яқинлашмоқда эди [39].</i>

Мутафаккирнинг видо мактуби	«Мабодо Тангри Таоло менинг тақдиримдан кўз юмса-ю, латта монанд ҳилвираб қолган шу вужудимга яна бир парчагина ҳаёт ҳада этсайди, ҳойнаҳой, ўйлаётганларимнинг ҳаммасини айтмасам ҳам, гапираётганларимнинг ҳаммасини ўйлаган бўлардим [41].
<i>Бўрондан ўн беш дақиқа аввал</i>	Профессор Зиё хабарларнинг қолган қисмини ўқишга улгурмади, учувчилар хонасининг эшиги очилиб, стюардесса қиз кўринди, у жилмайганча ҳаммадан камарларни боғлашларини илтимос қилди, сўнг эса ҳаво ёстиқчаларидан қандай фойдаланиш, ҳалокат чоғида ўзини қандай тутиш ҳақида тавсиялар берди [42].
Boeng 787 Dreamliner. <i>Бўрондан ўн дақиқа аввал.</i>	Орадан ўн дақиқа ўтганида, бағрига Профессорни ва уч юз чоғли йўловчини олган баҳайбат Boeng Dreamliner учоғи <i>бўрон ҳудудига</i> етиб келди [45].
Мезонул-авзон	Профессор <i>уфқдаги</i> бўроннинг чирпирак бўлиб айланишига ақлу шуури лол бўлиб боқмоқда, бу асов ҳайбат ва қудрат қаршисида унинг ич-ичидан тийиксиз ва бошқариб бўлмас хавотир бош кўтариб чиқмоқда эди [47].
Бўрон	Бағрида раҳмат ёмғирларини олиб келувчи булутларни ҳайдаб эсадиган шамол бу гал бошқа булутни – фалокат булутини олиб келмоқда эди [49].
Хотима	Янги очилган қум <i>сахифасида</i> саҳро бўйлаб бир банда ёлғиз кетиб бормоқдайди [52].

Яхлит тизимга эга бўлмаган воқеалар ўтмиш (Брокгауз ва Эфрон қомусидаги ривоятга кўра, лаънатланган этикдўзнинг замонлар оша дарбадар кезиши; қачонлардир Ҳиндистондан йўлга чиққан лўлилар карвонининг жуда улкан мақсад билан сафарга чиқиши, аммо йиллар ўтавергач ва авлодлар алмашгач, бутун бошли халқ нима мақсадда йўлга чиққанини унутиши натижа-сида дунё бўйлаб ватансиз ва маконсиз бесамар дайдишга маҳкум бўлиши; на тил, на миллат, на маданиятдан асар қолган афсонавий шахри Ҳайбардаги одамларнинг ўлим саодатини жим, кўркитувчи итоаткорлик билан хомуш ку-тиши – зериктирувчи боқийликка дучор бўлиши) ва бугуннинг (профессор Зиё яратган геном ўзининг яралишидан мурод нелигини англамоқ мақсадида Ярат-ганни излаб, дарбадар йўл олиши) алмашинувида рўй беради. Бадиий замон ва макон (дискрет) тарзда тасвирланади. Ёзувчининг турли замон ва маконларда рўй берган воқеалар силсиласини асарда тизимлаштиришдан муддаоси шуки, инсоният азалий қонунларни бузиб, Яратган иродасига қарши чиқар экан, дар-бадарликка маҳкум. Шу боис ҳам интиҳода жамики тирикликни ер юзидан қум бўрони супуриб ташлайди. Асар лейтмотиви китобхонни сергаклантиради, чуқур мушоҳадага чорлайди.

Улуғбек Ҳамдамнинг “Исён ва итоат” романи сарлавҳасида психологик хронотоп ифодаланган, яъни қаҳрамонлар руҳиятидаги контраст ҳолат – исён-корнинг итоатга келиши, улар қалбида кезган тизгинсиз пўртаналар, қарама-

қаршиликлар тимсоллар асосида ифодаланган. Асарда ички сарлавҳалар мавжуд эмас. Фасллар рақамланган. Асарни учта параллел сюжет чизиғи ташкил этса-да, мазмун-моҳиятига кўра алоҳидалик касб этмайди. Биринчи сюжет чизиғида дунёнинг, одамзотнинг яралиши Қуръони Карим воқеалари асосида шакллантирилади. Иккинчи ва учинчи сюжет чизиқларида эса реал макон ва замонда яшаётган кишиларнинг турмуши акс этган. Акбар ва унинг характер-хусусиятини ёритишда хизмат қилган образлар тақдири иккинчи сюжет чизиғида акс этса, учинчисида *ҳаёт маъносини меҳнатда* ақидаси билан умр кечирган Турсунбой Жонталаш ва унинг оиласи билан боғлиқ воқеалар ифодаланган.

Параллел сюжет ибтидодан интиҳога қадар динамик равишда ривожланади. Роман бир-бирига мантиқан изчилликдаги уч қисм, саксон саккиз бобдан ташкил топган уч параллел хронотопни ўзида қамрайди: Биринчи – Қуръони Карим оятлари билан уйғунлашган воқеалар тизмаси, яъни оламнинг, Одам Ато ва Момо Ҳавонинг яралиши, шайтон қутқусига учиб, Адан боғидан қувилиши; иккинчи – Акбар ва табиб, Акбар ва Фарида, Акбар ва Диана, Акбар ва Искандар; учинчи – Турсунбой жонталаш ва табиб хронотопларидир. Одам Ато ва Момо Ҳаво хронотопи иккинчи ва учинчи хронотопга ёндош ва улардаги воқеалар бирор нуқтада кесишмайди. Иккинчи ва учинчи хронотоп эса табиб образи орқали туташади. 2-жадвалда асарнинг сюжет чизиқлари таҳлил қилинди.

3-жадвал.

<i>“Исён ва итоат” романидаги сюжет чизиқлари</i>	
<i>Биринчи қисм</i>	
Одам Ато ва Момо Ҳаво	1, 7, 11, 16, 32, 42, 44, 46, 51
Акбар	2, 5, 8, 9, 12, 15, 21, 22, 28, 39, 48, 50
Табиб	3, 13, 19, 25, 29, 37, 43
Акбар ва табиб	4, 6, 52
Акбар ва Фарида	21, 31, 35, 49
Акбар ва Диана	27, 30, 34, 38, 45, 55
Диана	18, 24, 40
Лариса хола	10, 14, 20, 26, 41, 54
Турсунбой жонталаш	17, 23, 33, 53, 56, 57, 58, 59
<i>Иккинчи қисм</i>	
Одам Ато ва Момо Ҳаво	1, 4, 9
Табиб ва Искандар	2
Лариса хола	3, 11, 12
Акбар	5, 8
Акбар ва Диана	6, 14, 20, 21
Акбар ва Фарида	7
Акбар ва табиб	10
Табиб	13, 15, 16, 17, 18, 19

Учинчи қисм	
Одам Ато ва Момо Ҳаво	6
Акбар ва Диана	1, 2
Акбар	3, 7
Акбар ва Искандар	4, 8
Акбар ва табиб	5

Савол туғилади: нега ёзувчи замонавий кишиларнинг ҳаёт тарзини айнан Одам Ато ва Момо Ҳаво хронотопи билан ёнма-ён тасвирлаган? Асар мазмун-моҳияти синчиклаб ўрганилса, муаллифнинг ўткир фалсафий мушоҳадаси англашилади. Инсоният яратилибдики, унинг амалларида билиб-билмай қилинадиган хатоликлар мавжуд. Одам Ато ва Момо Ҳаво шайтон қутқусига ишониб, олмани егани боис Адан боғидан қувилади. Яратганнинг амрига қарши чиққани учун, Унга исён қилгани учун шайтон лаънатланади: “Нега менинг амримга бўйсунмайсан?” – дея сўради худованд. “Чунки одамни лойдан яратганинг ҳолда олов жинсидан бунёд бўлган мен нетиб унга сажда қилай, ахир у мендан паст-ку!” – дея эътироз билдирди шайтон.

Оллоҳ таоло дарғазаб бўлди ва шайтонни ўз даргоҳидан қувиб юборди [Улуғбек Ҳамдам, 2003; 70]. Лаънатга дучор шайтоннинг қисмати каби исён Табиб, Акбар, Искандар ҳаётини ҳам издан чиқаради. Адиб исён мотивини қаҳрамонлар тақдирида тадрижий тасвирлайди, кекса табибнинг исёни Акбарда, Акбар қалбидаги исён эса Искандарда теранлашади. Итоатга келиш учун Устоз Акбарни сафарга чиқмоққа даъват этади. Асар якунида эса бу даъват Искандарга йўналтирилади. Сафарнинг моҳияти узоқ йўл босишда эмас, руҳият оламига қилиниши лозим бўлган саёҳат назарда тутилади. Бу ҳолат дифоник ва полифоник тасвирни юзага келтиради. Қаҳрамонлар баъзан ички “мен”и билан ёлғиз қолади, улар ўз қалбида кечаётган кураш сабабларини фаҳмламасдан, жумбоқли саволларга жавоб ахтаришади.

«Акбарнинг норозилиги тахминан ана шу заминда туғилганди. Унинг энг катта эътирози камонни отганга – Худога эди. «Нега одамзодга бунчалар ҳассос қалб ва нозик идрокни берганинг ҳолда уни шунчалар муваққат ва ожиз қилиб яратдинг?! Магарки шундай яратишини истаган экансан, унда бани одам учун ҳассос юракка, нозик идрокка бало бормиди?.. Ахир у шу хусусиятлари туфайли ҳам ўзини мудом бахтсиз сезади-ку... – дерди у Яратганга исён қилиб, - чунки инсон ўз руҳининг гўзал эканлигини сезиб қолган ва бу гўзалликнинг ўткинчилиги, пешона ёзигининг чидаб бўлмас даражада ачинарли эканлиги норозиликни – Исённи тугдирмайдими?... [Улуғбек Ҳамдам., 2003; 112]. Қаҳрамон ачиқ қисматидан ёзғириш баробарида қилаётган исёнини нотўғри эканини англайди. Аммо ўқувчиси Садрга туширган тарсакиси туфайли уч йил қамоқ жазосини ўташи, омади юришмагани туфайли наинки қишлоқдан, аёли Фаридадан, фарзандларидан йироқлаб кетиши, Дианани фоҳишаликнинг ифлос ботқоғидан қутқариб, у билан ҳаёт кечириши – буларнинг баридан норози Акбар Яратганга

исён қилади: *Биламан, яхши англайман, инсон ўз-ўзидан бино бўлган эмас. Жами тирикликнинг ортида шубҳасиз, Сен борсан, эй Яратувчи! Бас, шуни билгач, ўз қисматига қарши ошкора бош кўтариши ақл-идрокдан эмаслигини ҳам тушунаман. Лекин шунга қарамай, бош кўтараянман. Бош кўтаришидан ўзга чора тополмаянман. Нега, нима учун?.. Қани, жавоб бер Ўзинг, эй Холиқ!..»* [Улуғбек Ҳамдам, 2003; 113].

Акбарнинг руҳиятида кечган жараёнлар, эврилишлар, фикрлар, ҳислар ва кечинмаларнинг ривожини аналитик принцип асосида кенг кўламда таҳлил этилади. Табиб сингари Акбар чин эътиқод туфайли итоатга келди, аммо исён қаҳрамон ҳаётининг мазмунини йўқотган эди.

Акбар табиб қолдирган хатни ўқигач, руҳий ҳолатида турли эврилишларни туйди, ҳаётини бирма-бир нигоҳидан қайта ўтказди, шу топда умр бўйи излагани, талпингани – хотиржамлик ва итоатни ҳис қилди. У ҳаёти мобайнида ўзига тақдир этилган қисматдан воз кечишга тайёр эди, лекин хатдан сўнг ичидаги исёндан қутулиб, итоатга келди ва ҳаловатга эришди. “...Дафтарнинг илк саҳифасини очиб, катта ҳарфлар билан “Исён...” сўзининг ёнига “Итоат” деб қўшиб қўйди. Акбар бу номни неча йиллардан бери қидирарди, бироқ топмаганди. Ниҳоят, мана у! – “Исён ва Итоат”, мана у – инсон бўлишнинг ғоят машаққатли йўли, мана у – одамзод пешонасига битилган қисмат... [Улуғбек Ҳамдам, 2003; 137]. Ш.Ботированинг эътирофича, “Исён ва Итоат”да бандасининг Оллоҳ буюрган амални эмас, ичидаги жунуни кўрсатган йўлдан юриши оқибатида не-не синовларга дуч келиши, ўз кечмишига қарши исён қилиши, Оллоҳни тан олиши учун бу машаққатли йўлни босиб ўтиши тайинлиги, яралиш ва яшаш моҳиятини англагандагина итоатга келиши талқин этилган [Ботирова Ш., 2019; 112].

Асарда исломий рух, имон-эътиқод туйғулари етакчилик қилади. Ўзига хос маъно ва мазмунга, рамзий-фалсафий мушоҳадага чорловчи роман руҳий пок-ланиш, имон-эътиқод мустаҳкамлиги инсониятни дарбадарликдан, Қиёматдан асраши ҳақидаги даъват сингари янграйди.

ХУЛОСА

“Икки эшик ораси”, “Исён ва итоат” ва “Боқий дарбадар” романлари сарлавҳаси бадиий асарнинг ажралмас ва муҳим унсури сифатида асар мазмун-моҳиятини очувчи семиотик калит вазифасини бажарган. Хронотоп асар воқеа-ҳодисаларининг кетма-кетлиги ва жадаллигини ифодаловчи композиция унсури, образларни тавсифловчи ҳамда муаллифнинг дунё тузилиши ҳақидаги тасаввури, дунёқараши, оламни қай даражада идрок қилишини акс эттирувчи адабий-эстетик категория, балки бадиий асар номида ассоциатив маъно касб этишда хизмат қилади. Ўтқир Ҳошимов, Исажон Султон ва Улуғбек Ҳамдам асарни сарлавҳалашда Э.Хемингуэй таъкидлаган айсберг принципига таяниш-ган, дея изоҳлаш мумкин, чунки тадқиқот объекти сифатида танланган асарлар сарлавҳасида тағмаъно ҳам мавжуд.

“Исён ва итоат” ва “Боқий дарбадар” романларида диний ва дунёвий

тасаввурлар параллеллик касб этади ва бу ҳолат асарлар сарлавҳасида ҳам ўз аксини топган. Воқеалар асосан мажоз ва кўчим бағрида тасвирланган.

“Боқий дарбадар” романида илмий-фалсафий ва бадий қонуниятлар синтези учрайди, яъни илмий-техник тараққиётнинг инсоният тақдирига таъсири, дунёни фалсафий идрок этиш муаммолари бадий талқин этилган.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Botirova, Sh. (2019). Hozirgi o'zbek romanlarida badiiy psixologizm (Ulug'bek Hamdamning "Muvozanat", "Isyon va itoat", "Sabo va Samandar" romanlari misolida). *Fil. fan. dok. dis.* (112 b.). Qarshi.
2. Davronova, Sh. (2019). Istiqloq davri o'zbek romanlarida Sharq va G'arb an'analarining badiiy sintezi. *Fil. fan. dok. dis. avtoref.* (72 b.). Samarqand.
3. Hamdam, Ulug'bek. (2003). *Isyon va itoat* (70-b.). Toshkent: Yangi asr avlodi.
4. Hoshimov, O'. (2016). *Ikki eshik orasi.* (752 b.). Toshkent: Yangi asr avlodi.
5. Ivanenko, G.S. (2019). *Filologicheskiy analiz teksta* (100 s.). Chelyabinsk: Izdatelstvo ZAO "Biblioteka A. Millera".
6. Maslova, V.A. (2019). *Filologicheskiy analiz xudojestvennogo teksta* (147 s.). Moskva: Izdatelstvo Yurayt.
7. Meliboyev, A. (2017). *Rizq daraxti.* Toshkent: O'zbekiston NMIU.
8. Miliev, S. (2019). Global ilmiy-badiiy talqin poetikasi. *Fil. fan. dok. dis.* (172 b.). Toshkent.
9. Mirzaev, S. (2011). *So'z san'atkori. El sevgan adib (O'tkir Hoshimov zamondoshlar nazdida)* (103-108-b.). Toshkent: Mumtoz so'z.
10. Normatov, U. (2011). *Nasrdagi shoir yoxud ruhiyat manzillari. El sevgan adib (O'tkir Hoshimov zamondoshlar nazdida)* (66-b.). Toshkent: Mumtoz so'z.
11. *Qur'oni karim ma'nolari tarjimasi.* (2020). Tarjimon va izohlar muallifi: Abdulaziz Mansur.
12. Quronov, D. (2010). O'ylashga undovchi asar. *Sharq yulduzi*, 6.
13. Rahmat, R. (2011). *"Munajat" dan "Boqiy darbadar" gacha* (278 b.). Toshkent: O'zbekiston.
14. Rahmon, Q. (2012). Darbadarlikning bedor talqini. *Sharq yulduzi*, 6.
15. Sulton, I. (2011). *Boqiy darbadar.* (280 b.). Toshkent: O'zbekiston.

REFERENCES

1. Botirova, Sh. (2019). Artistic psychology in modern Uzbek novels (on the examples of Ulugbek Hamdam's novels "Balance", "Rebellion and Obedience", "Sabo and Samandar"). *Phil. sci. doc. dis.* (112 p.). Karshi.
2. Davronova, Sh. (2019). Artistic synthesis of Eastern and Western traditions in Uzbek novels of the independence period. *Abs. phil. sci. doc. dis.* (72 p.). Samarkand.
3. Hamdam, Ulugbek (2003). *Rebellion and obedience.* (p. 70). Tashkent: New Century Generation.
4. Hoshimov, U. (2016). *Between two doors.* (752 p.). Tashkent: New Age Generation.
5. Ivanenko, G.S. (2019). *Philological analysis of the text* (100 p.). Chelyabinsk: Publishing House of ZAO "Library of A. Miller".
6. Kuronov, D. (2010). A thought-provoking work. *Star of the East*, 6.
7. Maslova, V.A. (2019). *Philological analysis of literary text* (147 p.). Moscow: Yurayt Publishing House.
8. Meliboyev, A. (2017). *The food tree.* Tashkent: Uzbekistan Publishing House.
9. Miliev, S. (2019). Poetics of global scientific and artistic interpretation. *Phil. sci. doc. dis.* (172 p.). Tashkent.
10. Mirzaev, S. (2011). *Word artist. Favorite writer (Utkir Hoshimov in the eyes of contemporaries)* (pp. 103-108). Tashkent: A Classic Word.
11. Normatov, U. (2011). *Addresses of the poet or psyche in prose. Favorite writer (Utkir*

- Hoshimov in the eyes of contemporaries*) (66 p.). Tashkent: A Classic Word.
12. Rahmat, R. (2011). From "*Munojot*" to "*Boqiy darbadar*". (278 p.). Tashkent: Uzbekistan.
 13. Rahmon, K. (2012). A vigilant interpretation of homelessness. *Star of the East*, 6.
 14. Sultan, I. (2011). *Eternal Wanderer* (280 p.). Tashkent: Uzbekistan.
 15. *Translation of the meanings of the Holy Quran*. (2020). Translator and commentator: Abdulaziz Mansour.